



Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва
уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги.

№ 1638-9766-deda-6458-60c6-0386-6762
Хужжат яратилган сана: 2024-09-09
Ариза рақами: 146148893

Хужжат берилган: "NPTS MASSHTAB PROYEKT STROY"
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT
СТІР: 307543624

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
Toshkent shahar Qurilish bosh boshqarmasi
Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи
органининг
2024-09-09 даги 146148893 -сонли
ХУЛОСАСИ

т/р	Тақдим этиладиган маълумотлар	
1.	Ариза рақами:	146148893
2.	Мурожаат этувчи Лойиҳа ташкилотининг номи:	"NPTS MASSHTAB PROYEKT STROY" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT
3.	Лойиҳа-смета ҳужжатларининг буюртмачиси номи:	"SHIFOBAXSH BULOQ" МЧЖ
4.	Объект манзили:	Юнусобод тумани, Минор МФЙ, Кичик халқа йўли кўчаси, 1-уй
5.	Лойиҳа-смета ҳужжатларининг номланиши:	эскиз лойиҳа
6.	Архитектура-режалаштириш топшириғининг реквизитлари:	1726-1726266-94951

Лойиҳани кўриб чиқиш натижаси

т/р	Категория	Нагижа	Изох
1.	Сўровноманинг тўғри тўлдирилганлиги:	Ижобий	
2.	Объект бош режасининг ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	
3.	Объектнинг меъморий ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	
4.	Лойиҳада автотураргоҳ масаласи ҳал этилганлиги:	Ижобий	
5.	Қурилиш чизигига амал қилинганлиги:	Ижобий	
6.	Ситуацион планда аниқ кўрсатилганлиги:	Ижобий	

7.	Ёнғин ҳавфсизлиги ва санитария талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
8.	Лойиҳада имконияти чекланган шахсларнинг манфаатлари ҳисобга олинганлиги:	Ижобий	
9.	Лойиҳада энергиясамарадорлик талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
10.	Лойиҳа ташкилоти лицензия орқали рухсат берилган соҳа доирасидан ташқари объектнинг лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги:	Ижобий	
11.	АРТ талабларидан четга чиқиш:	Ижобий	

Алоқадор ташкилотларнинг хулосалари:

Худудий ёнғинга қарши назорат хизмати: Келишилган;

Қўшимча маълумотлар: Юнусобод тумани Фавқулудда вазиятлар бўлими Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрель кундаги “қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 200-сонли қарорининг 4-иловасида Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига асосан давлат хизматлари марказидан келиб тушган 146148893-сонли аризаси бўйича ўтказилган ўрганиш хулосаси 23/34-2312 “05” сентябрь 2024 йил “NPTS MASSHTAB PROYEKT STORY” МЧЖ Юнусобод тумани Фавқулудда вазиятлар бўлими томонидан, Минор МФЙ КХАЙ 1-уй манзилида жойлашган “NPTS MASSHTAB PROYEKT STORY” МЧЖ лойиҳа ташкилоти томонидан “ШИФОБАХШ БУЛОҚ” МЧЖга тегишли ўз ҳудудидан чиқмаган ҳолда “Мактабгача таълим муассасаси (Боғча) ҳамда ертўла қисмида авторураргоҳ, пастки қаватларида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари бўлган кўп қаватли турар жойлар биноларига ихтисослаштириб реконструкция қилиш эскиз лойиҳаси хизмат ваколоти доирасида ўрганиб чиқилди. Қуйидаги фавқулудда вазиятларни олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тадбирларни амалда бажариш шарти билан, қурилиш ишларига қаршилик билдирилмайди, яъни - қурилиши мўлжалланаётган бинолар қўшни ҳудудда жойлашган турар ва нотурар жой бинолари билан оралиқ масофалари, камида 6 метрни амалдаги ШНҚ 2.07.01-03* (Шаҳарсозлик) меъёрий ҳужжатининг 1-илова (ёнғинга қарши талаблар), 1 ва 44-жадвалларига асосан амалга оширилишини; -қурилиш ишларини амалга оширишдан аввал чегарадош ҳудудда жойлашган турар ва нотурар жой эгаларидан розилик хатлари олинишини. Асос: ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик”, 26*-банди; -ҚМҚ 2.04.02-97 “Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар” ҳужжатининг 8.41-банди талабларига асосан содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларни тезда бартараф этиш мақсадида диаметри 100 мм кам бўлмаган халқа симон ташқи сув тармоғида ер ости сув олгичлар ўрнатилишини; -бинолар атрофида автомобил йўли четидан бинони деворигача бўлган масофа, ёнғин ўчириш автоэкипажлари ва автонарвонлари учун энг камида 8-10 метр қабул қилинишини. Асос: ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” 1-мажбурий илова, 15*-банди; -биноларда содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларни ўчириш ва фуқароларни қутқариш учун, ёнғин ўчириш автотранспортлари ва автонарвонларини ўрнатиш учун мўлжалланган айланма қатик қопламли йўллар қолдирилишини. Асос: ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” 1-мажбурий илова, 15-банди; - қурилиш ишлари тугаллангандан сўнг, бино теварак атрофини темир панжара ва бошқа турдаги тўсиқлар билан ўрамасликни. Асос: ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” 1-мажбурий илова 15*-банди; - биноларнинг баландлиги 28 метрдан баландни ташкил этганлигини инобатга олиб, Н1 (тутун билан қопланмайдиган) турдаги зинапоялар ташкил этилиши. Асос: 5.29-банд, ШНҚ 2.08.01-05; -ҳар бир қават (ертўла қавати ҳам) йўлакларига ички ёнғин ўчириш сув тармоғи ва кранларини ўрнатиш ҳамда керакли воситалар (енг, дастак, ярим бурагич гайка, сув босимини кўтариб берувчи насослар, масофадан насосларни бошқариш пульти) билан тўлиқ жиҳозлаш. Асос: 5.32-банд, ШНҚ

2.08.01-05; -бино ертўласидаги ёнғинга қарши насослар ўрнатилган хонадан тўғридан-тўғри ташқарига чиқиш йўли назарда тутилишини. Асос: ҚМҚ 2.04.01-98нинг 12.4-банди; -норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ лойиҳага (сониясига 2,6 литр сув миқдорини бериш имкони бўлган) ички ёнғинга қарши жўмрақларни киритилиши ва уларни иккита ёнғин ўчиргичлар (ОП-5) жойлаштириш имкони бўлган шкафлар билан таъминланилишини; -ички ёнғинга қарши сув таъминоти тизимига ёнғин-қутқарув автомобилларини улаш учун бинони фасадида чиқарилган диаметри 80 мм. ли бирлаштирувчи головкали тирсаклар билан жиҳозланилишини; -ҳар бир қават (ертўла қавати ҳам) ва хонадонларнинг кириш йўлакларига ёнғинни сезувчи ва хабар берувчи мосламаларни ўрнатилишини. Асос: 5.32-банд, ШНҚ 2.08.01-05; -ҳар бир қават йўлакларига ёнғинни сезувчи ва хабар берувчи мосламалар ишга тушганда ишловчи тутун тортиш тизими ўрнатилишини. Асос: 5.32-банд, ШНҚ 2.08.01-05; -биноларда 150 метр оралиқда транспорт ўтадиган эни 3,5 м дан, баландлиги 4,25 м дан кам бўлмаган йўлаклар кўзда тутилсин. Агар транспорт ўтиш йўлакларини икки қарама-қарши томонида, ёнғин ўчириш гидрантлари ўрнатилганда, зинапоя бўлмаларида ўтиш йўлаклари бўлмаслиги мумкинлиги эътиборга олинсин. Асос: ШНҚ 2.08.01-05нинг 5.9-банди; -лойиҳада биноларнинг ертўла қаватидан тўғридан-тўғри ташқарига чиқиш йўли (эшик) назарда тутилиши. Асос: ШНҚ 2.08.01-05нинг 6.11-банди ва ШНҚ 2.01.02-04, 5.9-банди; -биноларнинг лифт шахталарига ёнғинга бардошли эшиклар ўрнатилишини. Асос: ШНҚ 2.08.01-05нинг 5.31-банди ва ШНҚ 2.01.02-04нинг 6.28-банди; -бинонинг эвакуация йўлакларида лойиҳада белгиланган эшикларни, ойнасиз ёки ойнаси армированный бўлиши лойиҳага киритилишини Асос: ШНҚ 2.08.01-05нинг 5.22-банди ШНҚ 2.01.02-04; -зина катакларидаги эшикларни қутқарув чиқиш йўналиши бўйича очилиши таъминланилиши. Асос: ШНҚ 2.01.02-04; -ошхоналарда тоза ҳаво айланиши учун хона деразасига дарча ўрнатилиши назарда тутилишини. Асос: ҚМҚ 2.04.05-97нинг 4.20-банди; -вентиляция тизимининг ҳар бир квартираларига тўсиқ деворларни кесиб кирган жойига алангани тутуб қолувчи клапанлар ўрнатилишини (огнезадерживающего клапана на сборном воздуховоде). Асос: ҚМҚ 2.04.05-97нинг 4.24-банди; -кўп қаватли турар жой биноларида ёнғин ва тутун тарқалишини олдини олиш мақсадида умумалмашинаув вентиляция тизимининг вертикал коллекторларни қаватлар бўйича терма ҳаво қувурларига уланган жойларига ҳаво занжирларини ўрнатилиши. (воздушные затворы - на поэтажных сборных воздуховодах в местах присоединения их к вертикальному или горизонтальному коллектору для помещений жилых зданиях). Асос: ҚМҚ 2.04.05-97нинг 4.106-банди; -тутундан химоя тизими (противодымной защиты)ни 1-тоифали электр таъминоти билан таъминланилиши лойиҳага киритилишини. Асос: ҚМҚ 2.04.05-97нинг 9.1-банди; -ишлаб чиқиладиган лойиҳада ҳаво алмаштириш ва тутун тортиш вентелятор-ларини ўрнатиш усулини аниқ кўрсатилишини; -лойиҳада ёнғиндан дарак берувчи сигнализация қурилмаларидан келиб тушган сигналларни қабул қилувчи назорат пультини ўрнатиш учун аниқ хона кўрсатилишини; -газ ускуналари (плита, сув иситгич ва б.) ўрнатилиши кўзда тутилган хоналардаги газ қувурларида СО, СО2, ва СН4 ис гази концентрациясини ўлчовчи газоанализаторли ўчирувчи клапани ўрнатилиши назарда тутилишини. Асос: ШНҚ 2.04.08-13нинг 1-сон ўзгартириш; -газ ҳисоблагичларини газ ускуналари ўрнатилган хонада жойлаштири-лаётганлигини инобатга олиб, ўчирувчи клапанни газ ҳисоблагичга ўрнатилиши назарда тутилишини; -газ қурилмалари (котёл, газ ҳисоблагич ва газ плиталари)ни доимий ишчи ҳолатда бўлишини таъминлаш, носозликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида уларни ҳар чоракда камида бир маротаба махсус ташкилотлар томонидан текширувдан (техник кўрикдан) ўтказиб борилишини йўлга қўйилишини; -турар жой биноларида ўрнатиладиган ёнғинга қарши тизимлар (автоматик ёнғиндан хабарлаш ва газосигнализаторлар)ни доимий ишчи ҳолатда бўлишини таъминлаш мақсадида, уларга техник хизмат кўрсатиб бориш учун махсус лицензияга эга бўлган ташкилотлар билан шартнома тузилиши; -биноларнинг қутқарув йўлаклари ва зина катакларини авария ёритиш чироқлари ва “Exit” ёзувли ёриткичли кўрсаткич белгиларини ўрнатилишини. -ёнғин-қутқарув автомобиллари ҳаракатланиши учун мўлжалланган йўлларнинг четидан бино фасадидаги бўлган масофа 8-10 метрни ташкил этилиши. Асос: ШНҚ 2.01.02-04, 1-ўзгаришнинг 3.10-банди; -бинонинг узунлиги бўйлаб ҳар 100 метрда ёнғин ўчириш автомобиллари ўтиши учун йўл ташкил этилиши. Асос: ШНҚ 2.01.02-04, 1-

ўзгаришнинг 3.11-банди; -баланд қаватли бино билан қўшни ҳудудда жойлашган бинолар оралиғида ёнғинга қарши масофа сақланиши. Асос: ШНҚ 2.01.02-04, 1-ўзгаришнинг 3.13-банди; -бинонинг ертўла қаватида жойлашган автотураргоҳ майдони 3000 кв.м дан катта бўлмаган ёнғинга қарши бўлмаларга ажратилиши. Асос: ШНҚ 2.01.02-04, 1-ўзгаришнинг 4.13-банди; -автотураргоҳларда зина катаклари олдида тамбур-шлюз ташкил этилиши. Асос: ШНҚ 2.01.02-04, 1-ўзгаришнинг 4.23-банди; -автотураргоҳларда Н2 типдаги зина катакларига чиқиш жойидаги эшиклар тўғри ўрнатилиши, зина катаklarининг энининг қисқаришига олиб келмаслик. Асос: ШНҚ 2.01.02-04, 1-ўзгаришнинг 5.7-банди; -бинонинг ертўла қаватида жойлашган автотураргоҳ, савдо дўконлардан 1-турдаги ёнғинга қарши девор билан ажратилиши. -савдо дўконларидан тўғридан тўғри ташқарига чиқиш йўллари ташкил этилиши. Асос: ШНҚ 2.01.02-04нинг 5.9-банди; -савдо дўконларида Н2 типдаги зина катаги ташкил этилиши. Асос: ШНҚ 2.01.02-04, 1-ўзгаришнинг 5.5-банди; -ертўла қаватидан чиқиш йўллари умумий зина катагидан ёнғинга қарши девор билан ажратилган ҳолда ташкил этилиши. Асос: ШНҚ 2.01.02-04нинг 5.9-банди; -турар-жой қаватларида Н1 типдаги зина катаклари биноларнинг ички бурчакларида жойлаштирилмаслиги. Асос: ШНҚ 2.01.02-04нинг 5.37-банди; -турар-жой қаватларидаги Н1 типдаги зина катакларига битта йўлакдан чиқилмаслиги. Асос: ШНҚ 2.01.02-04, 1-ўзгаришнинг 5.6-банди; -биноларда хавфсизлик зоналарини ташкил этилиши. Асос: ШНҚ 2.01.02-04, 1-ўзгаришнинг 4.14-банди; -зина катаклари баландлиги бўйлаб бўлмаларга ажартилиши. Асос: ШНҚ 2.01.02-04, 1-ўзгаришнинг 4.24-банди; Юқорида кўрсатилган тадбирларга амал қилган ҳолда Архитектура режалаштириш топшириғи ва кўп қаватли турар жой бинолари қурилиши бўйича бош тарҳи ва ишчи лойиҳалари ишлаб чиқилиши ҳамда қурилиш ишлари бошланмасдан олдин ўрганиб чиқиш учун тақдим этилиши талаб этилади. ШНҚ 1.03.01-16 меъёрий ҳужжатининг 5.9-банди талабларига асосан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларини барча бўлимларини ёнғинбардошлилик ва зилзилабардошлилик бўйича экспертизадан ўтказилсин. Ўзбекистон Республикасидаги барча амалдаги ҚМҚ ва ШНҚ ларга риоя этилсин. Қайд этилган тадбирлардан бири бажарилмаган тақдирда ўз кучини йўқотган ҳисобланади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, мазкур лойиҳага якуний ҳулоса берилиши Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи органининг ихтиёрига қолдирилади. Бўлим бошлиғи Н.Бабаджанов;

Ҳудудий санитария-эпидемиология хизмати: Келишилган;

Кўшимча маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрель кунидаги “қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 200-сонли қарорининг 4-илоvasида Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига асосан давлат хизматлари марказидан 05.09.2024 йилда келиб тушган 146148893-сонли ариза бўйича ўтказилган ўрганиш давомида "NPTS MASSHTAB PROYEKT STROY" МЧЖ лоихачи ташкилоти томонидан Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СЭО ва ЖСХ булими, Минор МФЙ Кичик халқа йўли кўчаси 1 уй манзилда “SHIFO BEHSH BULOQ” МЧЖ га тегишли ҳудудда, ўз ҳудудидан чиқмаган ҳолда “мактабгачон таълим муассасаси (боғча) ҳамда ертўла қисмида автотураргоҳ, пастки қаватларида савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари бўлган кўп қаватли турар жойлар биноларига ихтисослаштириб реконструкция қилиш ишлари юзасидан ишлаб чиқилган дастлабки эскиз лойиҳа ҳужжатларининг архитектурага оид қисмини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш» номли 0339-сонли СанҚваМнинг 33-бандига асосан баландлиги 2-4 қават бўлган турар-жой бинолари оралиғидаги масофа 25 метрдан, 9-қаватли бинолар узун томонлари ўртасидаги масофа 40 метрдан ва ушбу биноларнинг узун томонлари ва яшаш хоналарида деразалари бўлган ён томонлари учун 15 метрдан кам бўлмаган масофада жойлаштирилиши ва қўшни хонадонларнинг кўриниш паналигини таъминланиши белгилаб қўйилган, 0020-22 сан К ва М «ДПМларни лойиҳалаштириш куриш ва эксплуатация қилиш» талаблари бўйича оралиқ масофалар инобатга олиш шарти билан, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилдаги “Мақтабгача таълим муассасаларини сақлаш, жойлаштириш ва иш

жараёнини ташкил этиш тўғрисида”ги 0355-сонли санитария қоидалари ва меъёрларида мактабгача таълим муассасалари бинолари микрарайонлардаги мавзелар ичида, турар-жойлардан инсоляция ва ёруғлик меъёрларига риоя қилган ҳолда ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг санитария химоя минтақасидан ташқарида, автотураргоҳ, гараж, автомагистрал кўчалар, темир йўл транспорти, метрополитен, самолётларнинг учиш ва қўниш маршрутлари санитария химоя чегарасидан ташқарида ва Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш» номли 0339-сонли санитария қоидалари ва меъёрларининг 58.9 бандига асосан мактабгача тарбия муассасалари кўчанинг қизил чизиқдан 25 метр масофада ва 2018 йилдаги 03-сонли идоравий қурилиш меъёрларига асосан 100 та болагача бўлган муассасасада ҳар бир болага умумий 40 м² хисобидан ер майдони ажратилиши белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилдаги “Аҳоли турар ҳудудларини атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 0350-сонли СанҚваМнинг 6.4-банди, санитария химоя минтақасининг 5-синфи, 10-бўлимига асосан 5 та постгача бўлган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчалари (бўяш ва темирчилик бўлмаган) турар жой биноларидан 50 метр ҳамда шу СанҚваМнинг 6.4.1.-жадвалига асосан сифими 50 та автомашинагача бўлган очиқ турдаги автотураргоҳлар турар-жой бинолари ва мактаб, болалар муассасаларидан 12-25 метр масофада жойлаштирилиши белгилаб кўйилган, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги “Турар жой бинолари” номли 2.08.01-сонли ШНҚ (шаҳарсозлик нормалари қоидалари)га асосан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари сифимидан келиб чиққан ҳолда 1,2-қаватлардаги қўп қаватли турар жой биноларининг нотурар хоналарида ва Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилдаги “Аҳоли турар ҳудудларини атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 0350-сонли санитария қоидалари ва меъёрларга асосан савдо ва умумий овқатланиш объектлари (гипремаркет, супермаркет, улгуржи дўконлар, қахвахона, ресторан, тўйхона в.х.з) турар-жой биноларидан 25-50 метр масофада жойлаштирилиши ва “Сартарошхоналарни жойлаш, жихозлаш ва сақлашга доир санитария эпидемиология талаблари тўғрисида”ги 0305-12, “Сартарошхоналарни жойлаш, жихозлаш ва сақлашга доир санитария эпидемиология талаблари тўғрисида”ги 1-ўзгартириш киритилган 0306-12-сонли санитария қоидалари ва меъёрларида кўрсатилган талабаларни бажариш шарти билан, Тошкент шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи канал ва коллекторлар қирғоқ бўйи минтақаларини белгилаш ҳақидаги вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 13 июлдаги №1043-сонли қарорни талабларини бажарган ҳолда Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қурилишга оид ҳужжатларни расмийлаштиришга қаршилик билдирилмайди. Республикада амалда бўлган шаҳарсозлик соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган СанҚваМ талаблари инобатга олинмаса ёки бузилса хулоса ўз кучини йўқотади, жавобгарлик лоиха ташкилот зиммасига юклатилади.;

Хулосани тасдиқлаган ходим: O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi;



Маълумот:

- Хўласа берувчиларнинг ва техник хўласасида кўрсатилган талабларни бажариш, муҳандислик тармоғидан хўласа масофаси сақлаш ёки ўз ҳисобидан кўчириш, дархастларни сақлаб қолиш шарти билан, юридик ҳужжатга эга тегишли ер майdonи қисмида лойиҳа ишларини давом эттириш.
- Лойиҳалаш жараёнида АРГда кўрсатилган талабларни бажариш ва ШНҚ 2.07.01-23 нинг 416 банди 29 жадвали талаблари асосида, яъни турар жой, жамоат ва дам олиш масканларида автотурақорларни ҳисоблаш нормалари асосида ишлаб чиқиш талаби белгиланди.

Қуйидаги талаблар: Лойиҳада келишиб берилган барча бино ва иншоотларда тузғи ёритиш тизимини ўрнатиш талаби белгилансин ва ушбу талаб лойиҳада кўрсатиб ўтилсин.

Кенгаш аъзолари томонидан юқорида кўриб чиқилган лойиҳалар юзасидан ШНҚ асосида ҳар бир берилган талаб ва шартлар тегишлилиги бўйича назоратга олиш ва ушбу ишлар амалга оширилмагунга қадар Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-йўл коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бино фойдаланишига қабул қилинмаслиги назоратга олсин.

“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг Тошкент шаҳар филиали, “Hudud gaz royxatx” газ таъминоти филиали, Тошкент шаҳар “Сув таъминоти” МЧЖ директорлари ҳар лойиҳани аниқ ҳисоб китобларга таянган ҳолда юкламалар яратиш шартларини аниқ белгилаб берсин. Белгиланган меъёрлардан ошмакча юкламаларда ишлайётган ҳудудларда коммуникация тармоқларига уланнишга йўл қўймасин.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳар бир худудни ўғаниб, юқоридаги ҳар бир лойиҳалар учун иқлим шаронитига мос бўлган айланаси 18 см.дан, баланлиги 3 метрдан кам бўлмаган дарaxтлар, 6 литрдан кам бўлмаган буталар экилишини назорат қилсин. Лойиҳалаш жараёнида атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёот лойиҳаси (ЗВОС) олиш шарти белгилансин.

Лойиҳада муҳандислик тармоқларининг юкламалари иноватга олган ҳолда техник шартлар олиш ва ушбу техник шартлар талабларини бажариш ҳамда уларга туташ ҳудудларнинг кўсаламзорлаштириш (дарaxтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва навиҳолларни экиш) майдонлари лойиҳа учун ажратилган ер участкалари умумий майдоннинг 25 фолидан кам бўлишига йўл қўймаслиқ талаби белгилансин.

Лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳалаштирилаётган биноларда углеводородлар ва электр энергияси истеъмоллини камайитириш мақсадида, энергия текамкор қурилиш материалларидан фойдаланиш, иссиқ сув таъминоти, ёритиш ва бивалент иситиш тизими учун фотоелектрик тизимлар, геиноколектрлар ва иссиқлик насосларини ўрнатиш, муҳандислик тармоқларини ҳам иноватга олсин.

Лойиҳаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича мутасадди бошқармалар ўз йўналиши бўйича маъсул эканлиги белгилаб қўйилсин.

Маъмур ҳудудда лойиҳа асосида қурилиш ишларини олиб бориш учун ён қўшилларни розилигини олиш тавсия этилади.

Ушбу хўласа қурилиш ишларини бошлашга асос бўлмаслигини, шунингдек, хўласа талаблари бажарилмаган тақдирда ҳамда тегишли ер майdonи чегарасидан чиқиб кетган ҳолда лойиҳалаш ишлари олиб боришга тақдирда қонунийликда белгиланган тартибда хўласани бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкинлигини ва бундай ҳолатда жавобгарлик лойиҳа ташкилоти зиммасига юклатилишини маълум қиламиз.

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини gero.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини кирийтиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

2001

